# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2018 йил 17 январь, № 10 (6968) • Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 16 январь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзени қабул қилди.**



Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Хитой элчисининг фаолияти самарали бўлгани ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганини чуқур мамнуният билан қайд этди. 2017 йил май ойида ХХРга амалга оширилган олий даражадаги ташриф ва икки давлат раҳбарлари эришган келишувлар Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва уни аниқ мазмун билан бойитиш имконини бергани таъкидланди.

Турли даражадаги алоқалар, жумладан, парламентлар ва минтақалараро муносабатлар фаоллашди. Томонлар бир-бирини халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Ўзаро савдо ҳажми изчил ортиб бормоқда. 2017 йил якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 4,5 миллиард долларга етган. Гидроэнергетика ва нефть-газ тармоғи, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш соҳаларида йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Муҳим минтақавий транспорт йўлаклари — Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой автомобиль ва темир йўлларини ривожлантириш бўйича ҳамкорликдаги ишлар бошлаб юборилган.

Маданий-гуманитар, илмий ва таълим соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда.

Ўз навбатида, Хитой элчиси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Дипломат Хитой ўзаро муносабатларга муҳим аҳамият қаратаётгани, Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой элчисининг ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, Сунь Лицзега Ватанимизнинг юксак давлат мукофоти — «Дўстлик» орденини топширди.

Элчи Сунь Лицзе давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга унинг фаолиятини юксак баҳолагани ва «Дўстлик» ордени билан мукофотлагани, шунингдек, Ўзбекистонда Хитой дипломатик миссияси фаолиятига берилаётган ҳар томонлама кўмак учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда бундан буён ҳам фаол иштирок этиш мақсадида эканини таъкидлади.

Тақдирлаш маросимида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

**ЎзА.**

*Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.*

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ЯНАДА ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш ва соддалаштириш, талаб юқори бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, носоғлом рақобат, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополлаштирилиши, сунъий тақчилликни юзага келтириш ва баъзи товарлар учун нарх-навонинг асоссиз оширилиши, оқибатда, бу асосда қўшимча фойда олиш учун шарт-шароитлар яратувчи жиддий тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бозорда айрим импорт қилувчиларнинг устун мавқега эга бўлишига улар учун индивидуал имтиёз ва преференцияларнинг тақдим қилинганлиги, уларнинг фаолияти учун эксклюзив шароитлар яратилганлиги кўмаклашган, бу эса бошқа тадбиркорлик субъектларининг бозорга кириш имкониятини чеклашга олиб келмоқда.

Мазкур соҳада юзага келган вазият ишчанлик фаоллигини ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтиради, халқаро майдонда мамлакатнинг обрўсига жиддий зиён етказади.

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида:

1. 2018 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасига озиқ-овқат товарларини импорт қилиш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан республикага озиқ-овқат товарларини олиб кириш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар тақдим этишни назарда тутувчи қарорларнинг қабул қилиниши тақиқлансин.

Белгилансинки, ушбу банд талаблари бузилган ҳолларда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХК, Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси, Республика универсал агросаноат биржаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда:

2018 йилга озиқ-овқат маҳсулотларини ташувчиларни излаб топиш ва жалб қилиш, улар учун бозорга киришда тенг шароитлар яратиш, уларга шартномалар тузиш, киритилган маҳсулотларни ташиш ва сақлашда кўмаклашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шунингдек, аҳолининг сифатли, арзон озиқ-овқат товарларига бўлган талабини тўлиқ қаноатлантиришга қаратилган бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқишни;

республиканинг барча ҳудудларида давлат-хусусий шериклик шартларида ихтисослаштирилган омборхона иморатлари, омборлар, музлатиш камералари, озиқ-овқат товарларини қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича замонавий юқори технологик, энергия самарадор ускуналарни ташкил этишни таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 февралдан бошлаб:

истеъмол товарларини республика товар-хом ашё биржаларида сотиш (сотиб олиш)га тақиқ бекор қилинади;

шакар ишлаб чиқарувчилар 2019 йил 1 январга қадар муддатга импорт хом ашёси асосида ишлаб чиқарилган ҳажмлар қисмига қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинади;

истеъмол товарларини товар-хом ашё биржаларининг очиқ электрон савдоларида сотиш (сотиб олиш) учун улгуржи савдони амалга оширишга лицензия мавжудлиги талаб этилмайди;

улгуржи савдога лицензия олишда энг кам иш ҳақининг 3500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда, шундан пул маблағлари энг кам иш ҳақининг 1200 бараваридан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилган устав фонди мавжудлиги ҳақидаги талаб бекор қилинади;

ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари турларини Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан импорт қилиш истисно ҳолларда ва фақат товар-хом ашё биржалари, жумладан, хорижий биржаларнинг очиқ электрон савдолари тизими орқали амалга оширилади;

(Давоми 2-бетда).

---

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг парламентга Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини, шунингдек, "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури лойиҳаси аҳамиятини кенг хорижий жамоатчиликка етказишга бағишланган брифинг ўтказилди.*

# Президентимиз Мурожаатномаси — хорижий жамоатчилик эътиборида

Депутатлар, сенаторлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар масъуллари ва мамлакатимизда аккредитациядан ўтказилган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳаллий журналистлар қатнашган тадбирда кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан муфассал маълумот тақдим қилинди.

Олий Мажлис Сенати Раиси биринчи ўринбосари С. Сафоев Мурожаатнома Ўзбекистонда жамиятнинг уйғониш даврини белгилаб берган тарихий ҳужжат эканини, унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартиришга, иқтисодий барқарорлигини таъминлашга оид аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилганини алоҳида таъкидлади. Маърузачи иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ҳамда янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор қонунлар, Фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилингани ҳамда улар изчил амалга оширилаётганини айтиб ўтди. Жумладан, мамлакатимизда қисқа муддатда 161 йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу нимани англатади? Бу бизга келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради, деганидир. Қолаверса, ўтган йилда экспорт ҳажми қарийб 15 фоиз кўпайди. Миллий валютамизни эркин конвертация қилишга киришилди. Натижада юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ҳамда эркин сотиш имконига эга бўлди. Бу реал рақамлар. Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада иқтисодий сиёсатимизда нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услубини жиддий танқид қилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгиланди. Айни шу асосда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ўз турмушидан рози бўлиб яшаши кафолатланаяпти.

(Давоми 2-бетда).

---

Памела СПРАТЛЕН:

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЎЗ ДАВЛАТИНИ ЯНГИЧА ЙЎЛДАН ОЛИБ БОРМОҚДА

**Халқаро экспертлар, сиёсатшунослар ва таҳлилчилар Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни диққат билан кузатмоқда, амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо бермоқда.**

*Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратленнинг "Америка овози" телерадиоси мухбири Навбаҳор Имомовага берган интервьюсида ҳам бу ўз ифодасини топди.*

*Қуйида ушбу суҳбат баёни эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*

Ўзбекистонда иш бошлаганимга уч йил бўлди, деди Памела Спратлен. 2015 йил 27 январда Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғи топширганман. Ўша давр билан таққослаганда, ҳозирги Ўзбекистон ғайратга тўла. Ўзгариш учун хоҳиш кучли. Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрнини мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириш бўйича самимий ва очиқ муҳокама кетмоқда. Жуда ҳаяжонли, қувончли давр.

Шавкат Мирзиёев етакчи сифатида кўплаб минтақавий масалалар ечими томон жонбозлик қилмоқда. Ўзбекистон Президенти 2016 йилнинг сентябрида сўзлаган нутқида янгича қўшничилик сиёсати ҳақида гапириб, Ўзбекистон қўшни давлатлар билан алоқани мустаҳкамлайди, деган эди.

Бу тезда амалга оширилиб, Президент аввал Туркманистонга, кейин Қозоғистон ва бошқа давлатларга борди. Бу Марказий Осиё билан ишлаб келаётган томонлар учун жуда қувончли. Минтақа катта потенциалга эга деб келганмиз ва энди буни минтақанинг ўзи исботлашга ҳаракат қилмоқда. Ҳамма умидга тўла.

Ўзбекистон қўшни Афғонистон билан ҳам ҳамкорликни ривожлантира бошлади. Афғонистон Президенти Ашраф Ғани Ўзбекистонда жуда яхши кутиб олинди. Мен Президентларнинг расмий қабул маросимида қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Ажойиб ришталар. Президент Ашраф Ғани Бухорога ҳам борди ва унга Бухоро давлат университетининг фахрий доктори унвони берилди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари, қолаверса, Афғонистон билан алоқаларини кузатсангиз, 2015 йилга қараганда ер билан осмонча фарқни кўрасиз.

АҚШ элчиси Президентимиз фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, мамлакатимиздаги ислоҳотлар ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев жуда очиқ одам, назаримда. Раҳбарликка келиши биланоқ бу кўзга ташланди. Одамлар билан яқиндан очиқ мулоқот қилишни хоҳлайди, сизни қунт билан тинглайди. Гаплашаётганда сиз томон эгилади. Шавкат Мирзиёев АҚШ Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртис билан учрашганида ҳам шундай мулоқот қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев кўп жиҳатдан ташқи дунёга ёпиқ бўлган давлатнинг ҳамма учун очиқ эканини кўрсатмоқда. Шу маънода, Мирзиёевни ўз давлатини янгича йўлдан олиб боришга тайёр раҳбар, деб ҳисоблаймиз.

Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарликка танланиши пухта, чуқур мулоҳазали бир қарор бўлди. Халқаро ҳамжамиятда ҳеч ким Ислом Каримов ўрнига шу одам келади, деб кутмаган эди. Шу маънода, Шавкат Мирзиёев ҳаммани, жумладан, мени ҳам жуда кўп жиҳатдан ҳайрон қолдирган ва ҳайрон қолдиради. У одамлар билан ишлашни хоҳлайди, ҳамжиҳатлик тарафдори. Президент лавозимига келганидан бери давлат ва халқни яқинлаштириш ҳаракатида. Барча даражадаги раҳбарларга халқ манфаатларини ўйланг, у билан мулоқот қилинг, деб уқтирмоқда. Бундай ёндашувни одамлар, назаримда, кутмаган эди.

Унинг бошлаган ишлари самара бера бошлади. Бир нарса ойдай равшан: у давлат органлари золим бўлишини хоҳламайди, аксинча, давлат органлари халққа хизмат қилсин, дейди.

Ҳукумат тизимида эски даврдан қолган тажрибали одамлар ҳам бўлса-да, иқтидорли ёш раҳбарлар кўпчиликни ташкил этади. Чет элда ўқиганларга кенг йўл очилаётгани ҳам улкан ўзгаришдир. Ёшларга эътибор катта. Хорижда ишлаётганларга ҳам ижобий қаралаётгани таҳсинга сазовор.

Бозор иқтисодиёти ҳам силжий бошлади. Олдинда қилинадиган ишлар талай. Президентнинг бу борада БМТда ва бошқа минбарлардан туриб гапириши, янги йўналишга ўтиш, Нью-Йоркда АҚШ бизнес доираларига бу борада очиқ айтиши кенг олқишланди.

Ҳар куни хушхабар. Олдинлари Ўзбекистонга шошмай, асталик билан ҳаракат қиладиган халқ ва ҳукумат, деб қарашар эди. Лекин бугунги сигнал шуки, Ўзбекистон олдинга шаҳдам қадам ташламоқда.

Президент Мирзиёев дадиллик билан кўпроқ бизнесменларни жалб этмоқчи, мамлакатда тўғридан-тўғри сармоя оқими кўпайсин, демоқда. 2017 йил сентябрда конвертация очилгани шунга бел боғланганидан дарак беради. Шундай экан, яна кўплаб хушхабарлар кутиб қоламиз.

Ҳозирча ўзгаришлар ортида унинг ўзи турибди. Мирзиёев шу қадар тез ва талабчанки, у билан ёнма-ён кетиш қийин.

Тўғри, босим кучли. Ўзгариш қилиш керак. Бу — имконият аслида. Имкониятлардан фойдаланиб қолиш зарур, чунки уларнинг муддати бор. Айримлар фикрича, 2-3 йил.

АҚШ сиёсий доиралари вакиллари Ўзбекистон Президентига ислоҳотчи, деб қарайди. У кўтараётган масалалар, нутқларида аҳамият қаратаётган мавзулар — мисли кўрилмаган чиқишлар. Олий Мажлисга Мурожаатнома маросимида мен йўқ эдим. Конституция кунидаги нутқини тингладим. Қийноқларга қарши гапирди. Бу — тарихий ўзгариш. Бу — ислоҳот. "Қора рўйхатлар" бекор қилиниши, одамлар ундан чиқарилиши — катта ислоҳот.

Шавкат Мирзиёев у қилаётган ишлар тўғри баҳоланишини истайди. У бошлаётган ислоҳотлар тан олиниб, қувватланишини, бугунги Ўзбекистон олдинги Ўзбекистон эмас — шунинг тан олинишини хоҳлайди. Халқ ҳукуматдан узоқ эди, шуни ўзгартирмоқчи. У ислоҳотчи сифатида майдонга чиқмоқда.

Памела Спратленнинг интервьюсида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев АҚШнинг иқтисодий жиҳатдан фаол бўлишини хоҳлайди, айниқса, савдо бобида. Ўзбекистонда шароит яхшиланган сари сармоячилар ҳам кўпаяверади. Бизнесменларимиз ўзи боради.

Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг сентябрда Нью-Йоркдаги йиғилишида АҚШда Ўзбекистонга нисбатан қизиқиш катта экани сезилди. Мана шу қизиқиш энди амалда қандай акс этади? Шунинг устида ишлаш керак.

АҚШ ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари ўртасида олий даражада учрашув бўлса, мен элчи сифатида жон дейман. Ўтган ойда Президентлар телефон орқали мулоқот қилдилар. Самарали, ижобий мулоқот. Кейинги қадамлар устида ҳаракат кетмоқда. Вашингтонга ташриф, албатта, энг ажойиб воқеа бўлади.

Марказий Осиё биз учун жуда муҳим минтақа. Вашингтонда Ўзбекистонга қизиқиш жуда юқори...

Ўзгаришлар тўхтамайди. Улар давом этиши учун Ўзбекистон халқига ва раҳбариятига куч ва матонат тилайман. Биз Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилишни хоҳлаймиз, бу аниқ.

2018 йил Президент Шавкат Мирзиёев ва Ўзбекистон халқи учун ажойиб давр бўлсин, келажаги порлоқ бўлсин, деди пировардида АҚШ элчиси.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ЯНАДА ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

озиқ-овқат маҳсулотларининг режалаштирилаётган хариди, Жамғарма маблағлари тушуми ва харажатлари тўғрисидаги батафсил ахборот ҳар ой Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эълон қилиб борилади;

биржа брокерлари тижорат банкларига мижоз — норезидент номидан товар-хом ашё биржасининг очиқ электрон савдоларида маҳсулотларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш (сотиш)га талабнома бериш, норезидент — юридик шахслар эса Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ҳисоб рақамлари очиш ва товар-хом ашё биржасининг очиқ электрон савдоларида маҳсулотларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш (сотиш)ни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш тартибини чайқовчилик ва бошқа суиистеъмолчилик ҳолларига имкон бермайдиган чораларни назарда тутган ҳолда белгилаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳаси;

бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аграр комплексни ривожлантириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш, озиқ-овқат бозори барқарорлигига таҳдидларни ўз вақтида бартараф этиш, озиқ-овқат товарлари импортини қулай божхона-тариф тартибга солиш бўйича чораларни белгиловчи “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

5. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар муддатда товар-хом ашё биржалари томонидан фойдаланилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ахборотдан эркин фойдаланиш ва унинг очиқлиги, жумладан, маълумотларни чет тилларда (рус, инглиз тиллари) жойлаштириш, амалга оширилаётган операцияларнинг шаффофлигини, шунингдек, ўтказиладиган электрон савдоларга аралашиш ва уларнинг натижаларини бузиб кўрсатиш имкониятини истисно этишни назарда тутган ҳолда тубдан такомиллаштиришни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда озиқ-овқат товарларига божхона тўловлари ставкалари, божхона тартиб-таомиллари ва республика божхона чегараси орқали товарларни ташиш тизимининг танқидий ўрганилишини ҳамда божхона тўловлари ставкаларини оптималлаштириш, ортиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, жумладан, тартиб-таомилларни “ягона дарча” тамойили асосида расмийлаштиришга ўтиш орқали товарларнинг божхона расмийлаштируви тартиб-таомилларини максимал соддалаштириш ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш харажатларини қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда чакана савдо ва хизматлар кўрсатишни тартибга солувчи қонунчиликни ортиқча тўсиқ ва ғовлар, давлат томонидан тартибга солишнинг асоссиз чораларини бартараф этиш нуқтаи назаридан танқидий таҳлил қилсин, шунингдек, натижалари бўйича мазкур соҳани тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

озиқ-овқат товарлари нархини пасайтириш ва барқарорлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги сансалорлик ва бюрократияни бартараф этиш, шунингдек, республикада ишчанлик муҳитини яхшилаш бўйича асослантирилган таклифлар киритиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари, жумладан, аҳамиятга молик озиқ-овқат товарларини экспорт ва импорт қилувчилар, чет эллик инвесторлар ва хорижий ҳамкорлар билан доимий асосда мунтазам очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотларни ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа идораларнинг ахборот маълумотлар базаларидан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини яратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари божхона тартиб-таомилларини амалга оширишда сунъий тўсиқлар яратиш, сансалорлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўйганлик учун шахсий жавобгарлиги ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

9. 2019 йил 1 январга қадар муддатга божхона тўловлари тўлашдан озод қилинадиган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёларнинг айрим турлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги “Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 257-сонли қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 январь

# Президентимиз Мурожаатномаси — хорижий жамоатчилик эътиборида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Очиғини айтиш керак, ўтган даврда шаҳару қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ҳамда кўп қаватли уй-жойлар барпо қилинди. Бу рақамни аввалги йиллардагига таққослайдиган бўлсак, 2007 йилдагига нисбатан 20 баробар, 2010 йилдагига нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилдагига нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилганини кўришимиз мумкин.

С. Сафоев иштирокчилар эътиборини ташқи сиёсатимизнинг прагматик ҳамда очиқлик принципларига, энг асосийси, қўшни давлатлар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, Ватанимиз суверенитети ҳамда мустақиллигини мустаҳкамлаш масалаларига қаратди. Яқинда янги таҳрирда қабул қилинган мамлакатимиз Мудофаа доктринасининг мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, биринчи марта очиқлик хусусиятига эга бўлган мазкур ҳужжат қоидаларининг қоғозда қолиб кетмаслиги учун уларни ҳаётга сўзсиз жорий этишни таъминлашда парламент аъзолари ташаббускор бўлишлари давр талабидир.

Мурожаатномада парламентнинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш, одамларни қийнаётган муаммоларни тегишли қонунлар қабул қилиш ёки ижро ҳокимияти олдига масалани қатъий қўйиш билан ҳал этиш орқали ечимини топишга оид аниқ вазифалар белгиланди. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари С. Отамуротов батафсил тўхталди.

Маърузачи айтиб ўтганидек, бугунги кунда Ўзбекистон парламенти соғлиқни сақлаш тизими, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги фаолиятни самарали ташкил қилиш бўйича муайян саъй-ҳаракатларни олиб бормоқда. Бироқ ушбу йўналишдаги ишларнинг натижалари ҳаётимизда деярли кўринмаяпти. Жумладан, қуйи палатанинг соғлиқни сақлаш соҳасига масъуллигини назарда тутиб айтганда, ҳозирги вақтда биронта ҳам ҳудудда ушбу тизим аҳоли учун муносиб хизмат қиладиган даражада ташкил этилган, деб бўлмайди. Демак, амалий ишларга ўтиш вақти келди. Мурожаатномада белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, яқинда Қонунчилик палатасида Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси ташкил қилинди. Асосан ҳудудларда фаолият кўрсатадиган ушбу қўмита аъзолари айни пайтда жойларда соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳолатни ўрганмоқда.

Бундан ташқари, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини ҳам камчилик ва нуқсонлардан холи, деб бўлмайди. Ўтган йилда жами 136 та қонунчилик ташаббусидан, бор-йўғи, 27 таси депутатларга тегишли бўлиб, улар ҳам, асосан, амалдаги қонунларга Президентнинг Фармон ҳамда қарорларидан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалардир. Шунинг ўзи фаолият самараси етарли эмаслигини кўрсатади. Мамлакат раҳбари томонидан илгари сурилган таклифларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида яқинда Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолияти йўлга қўйилди.

Спикер ўринбосари брифингда қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш, интернетда мамлакатимиз фуқаролари давлат ҳамда жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикрларини билдиришлари учун “Менинг фикрим” деб номланган махсус веб-саҳифа ташкил этиш, парламент назоратининг таъсирчан механизмларидан фойдаланиш, партиялараро рақобатни кучайтириш масалаларига эътибор қаратди. Айни чоғда Қонунчилик ва норматив ҳужжатлар ижодкорлигини такомиллаштиришга доир концепция, халқаро норма ҳамда стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари ўз позицияларини билдиришини маълум қилди.

Ташқи ишлар вазири ўринбосари С. Ниязходжаев мамлакатимизда ташқи сиёсат соҳасида барча узоқ ҳамда яқин давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланаётганини таъкидлади. Мисол учун, Россия ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа мамлакатлари, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, шунингдек, Европа ва Осиё қитъаларидаги бир қатор давлатлар билан муносабатлар сезиларли даражада мустаҳкамланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа нуфузли халқаро тузилмалар ва молиявий институтлар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Маърузачи Президентимиз Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятини кучайтириш ҳамда самарасини ошириш ғоят муҳим вазифа қилиб қўйилганини, шу боис ушбу йўналишдаги фаолиятни танқидий қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини қайд этди. Жумладан, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортни қўллаб-қувватлаш ва инвестицияларни жалб қилиш, туризмни ҳар томонлама ривожлантириш, хориждаги фуқароларимиз ҳамда ватандошларимиз билан тизимли ишлашни йўлга қўйиш айни муддаодир. Ташқи ишлар вазири ўринбосарининг эътироф этишича, буларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилади.

“Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори, депутат А. Бурҳонов “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури лойиҳасининг асосий қоидалари тўғрисида маълумот берди.

Таъкидлаб ўтилганидек, 2018 йилги Давлат дастури лойиҳасининг кенг муҳокамаси www.regulation.gov.uz портали ҳамда www.2018.strategy.uz сайтида йўлга қўйилди. Қисқа вақтда аҳолидан 4 мингдан ортиқ фикр-мулоҳазалар ва таклифлар келиб тушди. Бу 2017 йилги Давлат дастури муҳокамаси пайтидагига нисбатан уч баробар кўпдир. 2018 йилнинг 20 январигача бўлган муддатда жамоатчилик муҳокамаси натижалари ҳамда келиб тушган таклифлар таҳлили асосида Давлат дастурининг такомилига етказилган лойиҳаси тасдиқлаш учун киритилади.

Анжуманда ОАВ вакилларининг саволларига батафсил жавоб берилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида тараққиётимизнинг янги босқичида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, ислоҳотлар самарасини юксалтиришда парламент, депутат ва сенаторларнинг фаол ҳамда таъсирчан иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.*

# Қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи халқимиз бўлиши керак

Пойтахтимизнинг муҳташам Симпозиумлар саройида бўлиб ўтган анжуман иштирокчиси сифатида таъкидлашни истардимки, давлатимиз раҳбарининг чексиз ватанпарварлик руҳи, халқ хоҳиш-иродасига эҳтироми сифатида баён қилинган Мурожаатномани жонажон Ўзбекистонимизнинг тенглар ичра тенглиги ва халқимизнинг буюк истиқболи йўлида ёниб, биз депутат ва сенаторлар, бутун халқимизга мурожаати, деб қабул қилдик.

Сенатор сифатида мен унда билдирилган мулоҳазаларни қалбимга чуқур жойлаган бўлсам-да, ҳар куни уни такрор-такрор ўқиш, уқиш, мазмун-моҳиятини бошқаларга ҳам етказишни бурчим, деб биламан. Сабаби, мазкур Мурожаатнома “шаблон-қолип”дан холи бўлиб, юрак-юракларга етиб борди. Дунё жамоатчилиги, таниқли давлат ва жамоат арбоблари, чет эл оммавий ахборот воситалари Мурожаатномадан сўнг Ўзбекистонда, таъбир жоиз бўлса, шиддат билан янги ўзгаришлар даври бошланди, дея баҳолаётганида ҳам катта маъно мужассам. Туркиянинг етакчи иқтисодий нашрларидан бири — “Derin Ekonomi” журнали Президент Шавкат Мирзиёевни ўз мамлакати ва минтақасидаги вазиятлар ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатишга қодир бўлган жаҳоннинг биринчи ўн нафар етакчиси рўйхатига киритгани ҳам бежиз эмас.

Халқ билан мулоқот қилишнинг назарий босқичидан амалий босқичига ўтилган, ҳар бир ишда халқимиз билан маслаҳатлашув амалга оширилаётган, унинг фикр-мулоҳазасига қулоқ тутилаётган бир пайтда Президентимизнинг “Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт” деган ҳақли талаби жуда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Дарҳақиқат, ҳар қандай қонун халқ хоҳиш-иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши лозим экан, қонунлар лойиҳаси муҳокамасини қуйидан, яъни халқнинг ўзидан бошлаш зарурлиги мантиқан тўғридир. Бинобарин, оддий фуқаро, у шаҳарда яшайдими, қишлоқдами, қабул қилинаётган қонуннинг мақсад-муддаоси, моҳияти ва нормалари унинг учун тушунарлими, шахсий ҳаётидаги муаммоларини турли “бюрократик тўсиқлар”сиз ечиш имконини берадими — буни билишга ҳақли. Биз — депутат ва сенаторлар ана шу оддий ҳақиқатни ўйлаб, қонун ижод қилишимиз лозим.

Шу ўринда барчамизни хурсанд қилаётган бир янгилик ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга ошириш бўйича Давлат дастури лойиҳаси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида сенаторлар, депутатлар билан бирга кенг жамоатчилик, хусусан, давлат тузилмалари, маҳалла фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида муҳокама қилинмоқда. Муҳокамалар бўйича халқимизнинг фикр ва таклифлари инобатга олинаяпти. Бу ҳам ҳар бир давлат аҳамиятига молик ҳужжатни қабул қилишда, аввало, халқимизнинг хоҳиш-иродасига таянилаётганидан далолатдир.

Мурожаатномада яна бир муҳим жиҳат тилга олинди. У ҳам бўлса, расмий йиғилишлар, самарасиз назорат, қуруқ рақамларни санашдек эски одатлар билан дастурхонимиз бут, ҳаётимиз фаровон бўлиб қолмайди. Аччиқ бўлса ҳам тан олишимиз керакки, Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, бугун ижроия ҳокимиятининг раҳбари қабул қилган қарорларни биз, халқ вакиллари туман, шаҳар, вилоят сессияларида кўп ҳолларда ҳеч бир истисносиз маъқуллаб, тасдиқлаб берамиз. Ҳолбуки, бу ерда оддий мантиқ ишламайди: ҳоким ҳамон Кенгаш раиси ваколатига эга шахс саналиб қолаверар экан, “муқобил фикр”, “қайта ишлаш учун қайтариш” ёки “қабул қилмаслик” каби амалиёт орзулигича қолиб кетаверади.

Назаримизда, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги сиёсий партиялар гуруҳлари ва доимий комиссиялар фаолиятини тубдан такомиллаштириш, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларининг “сўровлари”га мансабдор шахсларнинг беписанд муносабатларига, лоқайдликларига чек қўйиш пайти келди. Зотан, бу борада жиддий ўзгариш ясамас эканмиз, эски ҳаммом, эски тос деганларидек, омма биз ўқиган зерикарли “маъруза”ларни эшитмайди, берган “ҳисобот”ларимизга ва пировардида, ҳаётбахш қонунлар қабул қилишимизга ҳам ишонмайди.

Ўрни келганда таъкидлаш зарурки, парламент ва жамоат назорати масаласида ҳам сон ортидан эмас, сифат устида тинимсиз ишлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бошқача айтганда, бизга аниқ рақамлар эмас, аниқ натижа керак. Кўплаб оғриқли масала ва муаммоларни қоғозда “ечган”дан кўра, реал ҳаётда, кундалик турмушимизда биттагина бўлса ҳам масалани ҳал қилиб берсак, шундагина одамлар биздан рози бўлади.

**Муҳаммаджон МАҚСУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг навбатдан ташқари ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, спорт федерациялари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р. Қурбонов ва бошқалар мамлакатимизда спортни, жумладан, Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турларини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Юртимизда йилдан-йилга спорт инфратузилмасининг мустаҳкамланиб бораётгани ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, нуфузли спорт мусобақаларини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори спортчиларимизни келгусидаги нуфузли мусобақаларга босқичма-босқич тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Миллий олимпия қўмитаси раиси А. Султоновнинг ҳисоботи тингланди. Унда мамлакатимизда 2017 йилда спорт соҳасида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида маълумот берилди. Жумладан, мамлакатимизда ўтган йили қатор спорт турлари бўйича Осиё чемпионати ва халқаро турнирлар ташкил этилди, спортчиларимиз халқаро мусобақаларда 770 дан ортиқ медалларни қўлга киритди.

Йиғилишда Ўзбекистон футбол федерацияси раиси Умид Аҳмаджонов Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси этиб сайланди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси ўринбосарлари, бош котиб ва ижроия қўмитаси аъзолари сайланди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## БУНЁДКОРЛИК

*Устюрт кенгликларида жойлашган “Қорақалпоғистон” ва “Даут-ота” божхона постлари яқинида замонавий хизмат уйлари мажмуаси фойдаланишга топширилиши ушбу ҳудудларда фаолият юритаётган соҳа ходимларини жуда қувонтирган эди. Кейинроқ эса Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ҳам худди шундай қулайликлар яратилди.*

# Устюртдан Сергелигача

Албатта, божхона нозирларининг ишлаш ва яшаш манзиллари ўзаро яқин бўлиши фаолият самарадорлигини оширади. Қолаверса, бу тизим вакилларининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган юксак ғамхўрлик ифодаси ҳамдир.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида қуриб битказилган 40 хонадондан иборат хизмат уйларида ҳам барча қулайлик муҳайё этилган. Республикамизда ишлаб чиқарилган мебель ва маиший техника буюмлари билан жиҳозланган. Атрофи ободонлаштирилиб, сўлим гўшага айлантирилган.

Янги тураржойлар калитларини тантанали равишда қабул қилиб олган божхоначилар бундай эътибор учун давлатимизга миннатдорлик билдирди.

**Шойим БЎТАЕВ.**

